



BOSHQARUV QARORI

2021 y. «30» aprel 16

№ 54/3

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг “Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси” аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Банк Кузатув кенгашининг 2021 йил 27 апрелдаги қарори билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланган.

Унга кўра, Қўмита фаолиятининг мақсади ликвидлик рискларини, капитал етарлилигини, валюта ва фоиз рискларини, шунингдек, Регуляторнинг ҳамда банкнинг ички талабларига мувофиқ ўрнатилган ликвидлик ва капитал етарлилиги меъёрларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш орқали банкни ривожлантириш стратегиясини амалга ошишини таъминлашдан иборат.

Низомнинг 11-бандида Қўмита аъзоларининг сони 7 кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби Банк бошқарувининг қарори билан тасдиқланиши белгиланган.

Шунингдек, Қўмита аъзолари банкнинг мансабдор шахслари ҳисобланиб, қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга экани кўрсатиб ўтилган.

Ўз навбатида, Ҳазначилик департаментининг Активлар ва пасивлар бошқармаси Қўмита ишини ташкил этувчи ишчи орган бўлиб, Қўмита котиби Ҳазначилик департаменти ходимлари орасидан таклиф этилган шахс ҳисобланади.

Юқоридагиларни ҳамда Банкни трансформация қилиш жараёнида Халқаро молия корпорацияларининг тавсияларига кўра, Банкнинг таркибий тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилганини инобатга олган ҳолда, Банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг “Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси” аъзоларининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳазначилик департаменти (Х. Акбаров) Банкнинг “Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси тўғрисида”ги Низомга асосан Қўмита ишини белгиланган тартибда ташкил этилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ресурсларни бошқариш бош директори И. Худайбергганов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси




С. Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А. Акбаржонов

Бошқарув Раиси ўринбосари



Ш. Якубов

Бошқарув Раиси ўринбосари

А. Эргашев

Бошқарув Раиси ўринбосари




З. Азимов

Бошқарув Раиси ўринбосари



У. Таваккалов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори



О. Вохидов

Юридик департамент директори



Б. Норхужаев

Киритилди:

Ғазначилик департаменти
директори



Х. Акбаров

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Бошқарувининг
2021 йил “30” апрел даги
54/3 -сонли қарорига

ИЛОВА

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Активлар ва пасивларни бошқариш
Қўмитаси аъзоларининг таркиби**

Қўмита аъзолари сони 7 кишидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда тузилади:

№	Қўмита аъзолари	Лавозими
1.	Қўмита Раиси	Банк бошқаруви Раиси
2.	Қўмита Раисининг ўринбосари	Ресурсларни бошқариш бош директори
3.	Қўмита аъзоси	Ғазначилик департаменти директори
4.	Қўмита аъзоси	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори
5.	Қўмита аъзоси	Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори
6.	Қўмита аъзоси	Банкни стратегик ривожлантириш департаменти директори
7.	Қўмита аъзоси	Риск менежмент департаменти директори

Қўмита котиби - Ғазначилик департаментининг Активлар ва пасивлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

Киритилди:

Ғазначилик департаменти
директори



Х. Акбаров

Келишилди:

Ресурсларни бошқариш
бош директори

И. Худайбергенов

Риск менежмент
департаменти директори



З. Усманов

Юридик департаментнинг
Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
ва ҳуқуқий таъминлаш
бошқармаси бошлиғи



О. Сулаймонов



BOSHQARUV QARORI

2021 y. «17» *may*

№ 34/1.

Банкнинг айрим хужжатларини кўриб чиқиш тўғрисида

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Активлар ва пасивларни бошқариш Кўмитаси тўғрисида”ги Низомнинг амалдаги таҳрири Кузатув кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги 96/2018-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ўтган давр мобайнида банк соҳасини тартибга солувчи қонунчиликда бир қатор сезиларли ўзгартиришлар амалга оширилди. Шунингдек, Банкни трансформация қилиш жараёнига консультант (маслаҳатчи) сифатида жалб этилган халқаро экспертлар томонидан ушбу Низомни янги таҳрирда тасдиқланиши юзасидан тавсиялар берилган.

Шу сабабли, Банкнинг Ҳазначилик департаменти томонидан Халқаро молия корпорацияси тавсиялари асосида мазкур Низомнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Банк бошқаруви муҳокамасига киритилмоқда.

Айни вақтда, Банкда айрим ишларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида бажариш ҳолатлари мавжуд бўлишига қарамасдан, бугунги кунда банкда ушбу муносабатларни тартибга солувчи ягона ички меъёрий-ҳуқуқий хужжат мавжуд эмаслиги сабабли, Ходимларни бошқариш департаменти томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида фуқаролик ҳуқуқий тусдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш тартиби” лойиҳаси ишлаб чиқилган.

“Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель)нинг 1.6-бандига кўра, тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатлари амалда белгиланган тартибда Кузатув кенгаши ёки Бошқарувлари томонидан тасдиқланади.

Банк тизимида мавжуд штатлардаги ходимларни рағбатлантириш механизмларини белгиловчи низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида фуқаролик ҳуқуқий тусдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш тартиби” ҳам тўловлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солганлиги сабабли, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Банк кузатув кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 51/2017-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” тасдиқланган.

Бугунги кунда мазкур соҳани тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги сабабли Комплаенс-назорат департаменти томонидан Банкнинг бу борадаги амалда бўлган Қоидаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинган.

Банк Уставининг 46.3-банди ҳамда Банк кенгаши тўғрисидаги Низомнинг 4-бандига мувофиқ Банк сиёсатларини ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш Кузатув кенгаши ваколатига киритилган.

Ўз навбатида, Банк бошқаруви тўғрисидаги низомга кўра, Кузатув кенгашига киритиладиган масалалар дастлабки тарзда Бошқарув томонидан ўрганиб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари, сўнгги пайтларда Бош банкнинг ташкилий тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, Давлат дастурлари лойиҳалари билан ишлаш департаменти ташкил қилинган ва Ички назорат департаменти Комплаенс-назорат департаментига ўзгартирилган.

Ташкилий тузилмага ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Бошқарув қарорларида ўзгартирилаётган департамент раҳбарларига ўз таркибий бўлинмаларининг низомларини бир ой муддатда тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Шу сабабли, Банкнинг “Давлат дастурлари лойиҳалари билан ишлаш департаменти тўғрисида”ги ҳамда “Комплаенс-назорат департаменти тўғрисида”ги низомлар янги таҳрирда ишлаб чиқилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва филиаллар таркибий бўлинмалари (фронт ва бэк-офислари тўғрисидаги) низомлари ҳамда ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш тартиби”га мувофиқ, Бош банк таркибий

бўлинмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш Бошқарув қарори томонидан амалга оширилади.

Шу билан биргаликда, Марказий банкнинг кўрсатмаларида тижорат банкларининг меъёрий ҳужжатларини оптималлаштириш, бир хил соҳани тартибга солувчи ҳужжатларни кодификация қилиш тавсия этилганлигидан келиб чиқиб, Банк тизимида мавжуд бўлган 2 та ҳужжат, яъни меъёрий ҳужжатларни ва таркибий бўлинмаларнинг низомларини ишлаб чиқиш борасидаги қоидаларни белгиловчи нормалар Комплаенс назорат департаменти Методология бошқармаси томонидан 1 ҳужжатга бирлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган ва Бошқарув муҳокамасига киритилган.

Банк бошқаруви тўғрисидаги низомнинг 22-бандига асосан ички меъёрий ҳужжатлар ва уларга киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш Бошқарув ваколатига киради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида фуқаролик ҳуқуқий тусдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш тартиби” 2-иловага мувофиқ;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 3-иловага мувофиқ;

“Комплаенс-назорат департаменти тўғрисида”ги низомнинг янги таҳрири 4-иловага мувофиқ маъқуллансин ва тасдиқлаш учун Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилсин.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ички меъёрий ҳужжатларини ҳамда таркибий бўлинмалар низомлари ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш Тартиби” 5-иловага мувофиқ;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Давлат дастурлари лойиҳалари билан ишлаш департаменти тўғрисида”ги Низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасдиқланаётган ҳар бир ҳужжат учун масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбарларига ўз йўналишлари бўйича тасдиқланган ҳужжатларни

Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиалларига етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш вазифалари топширилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Бошқарув раиси ўринбосарларига юклатилсин.

Бошқарув Раиси



С. Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А. Акбаржонов

Бошқарув Раиси ўринбосари



Ш. Якубов

Бошқарув Раиси ўринбосари



А. Эргашев

Бошқарув Раиси ўринбосари




З. Азимов

Бошқарув Раиси ўринбосари




У. Таваккалов

Риск Бош директори




А. Хамидов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори



О. Вохидов

Юридик департамент директори



Б. Норхужаев

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Бошқарувининг

2021 йил “17” март даги

34/1-сонли қарорига

ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Кузатув Кенгашининг

2021 йил “27” апрел даги

2021/06-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Активлар ва пасивларни
бошқариш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

(янги таҳрирда)

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2709, 2015 йил 13 август), “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2693, 2015 йил 6 июль) Низомлар, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда – “Банк”) Устави ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган бўлиб, банк Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси (кейинги ўринларда – “Қўмита”)нинг ҳуқуқий мақомини белгилайди ҳамда унинг фаолиятини тартибга солади.

2. Қўмита Банк бошқарувининг тақлифига кўра, Кузатув кенгашининг қарорига билан ташкил этиладиган доимий коллегиал ишчи органдир. Қўмита фаолиятининг мақсади ликвидлик рискларини, капитал етарлилигини, валюта ва фоиз рискларини, шунингдек, Регуляторнинг ҳамда банкнинг ички талабларига мувофиқ ўрнатилган ликвидлик ва капитал етарлилиги меъёрларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш орқали банкни ривожлантириш стратегиясини амалга ошишини таъминлашдан иборат.

3. Қўмита активлар ва пасивлар рискларини бошқариш масалалари юзасидан Банк Кузатув кенгашининг Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитасига, Банк бошқарувига ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

4. Қўмита ваколатидаги масалалар юзасидан қуйидаги коллегиал органлар билан ҳамкорлик қилади:

Банкнинг Кредит қўмитаси;

Банк маҳсулотларини бошқариш комиссияси;

Банкнинг Инвестиция қўмитаси.

5. Қўмита ўз вазифаларини амалга ошириши юзасидан банкнинг тегишли

таркибий бўлинма ва филиалларидан ҳар қандай ахборот ва маълумотларни олиш ваколатига эга.

6. Қўмита ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда Банк Кузатув кенгаши ва бошқарувининг қарорлари, шунингдек, мазкур Низом талабларига амал қилади.

II. Атамалар ва тушунчалар

7. Мазкур Низомда қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилади:

АПБ (ALM) – активлар ва пасивларни бошқариш (Assets & Liabilities Management);

АПБ Риски – банк активлари ва пасивларини бошқариш жараёнига тегишли бўлган, ликвидлик ва бозор рискларини (шу жумладан, валюта рисқи, фоиз рисқи) акс эттирувчи молиявий рисклар тўплами;

Валюта рисқи – валюта курсларини ноқулай ўзгариши натижасида банкнинг зарар кўриши хавфи;

Фоиз рисқи – банк активлари ва пасивлари ҳамда балансдан ташқари воситалар бўйича фоиз ставкаларининг ноқулай ўзгариши натижасида молиявий йўқотишлар (зарарлар)ни юзага келиш хавфи;

Капитални бошқариш – баланс ва балансдан ташқари амалиётлар ҳажмининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда капитал миқдорини прогноз қилиш, шунингдек, белгиланган режа кўрсаткичларига эришиш мақсадида, рисклар ҳажми ва капитал элементлари бўйича белгиланган (меъёрий ва/ёки ички) нисбатларнинг бажарилишини таъминлаш;

Регулятив (тартибга солувчи) капитал – Регуляторнинг талабларига мувофиқ ҳисобланган капитал. Бунда, банкнинг ўз маблағлари етарлилигининг минимал миқдори ифодаланади ҳамда меъёр сифатида қабул қилинади;

Регулятор – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

Иқтисодий капитал – риск портфелининг хусусиятларига кўра, юзага келиши мумкин бўлган рискларни етарли даражада қоплаш учун зарур бўлган капитал;

Ликвидлик рисқи – банкнинг ўз фаолиятини молиялаштиришга, яъни мажбуриятларни улар юзага келган вақтда жиддий молиявий йўқотишларсиз бажарилишини таъминлашнинг имкони мавжуд эмаслиги хавфи;

Риск аппетити лимити (Риск-Аппетит) – банкнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, банк учун муҳим аҳамиятга эга бўлган рискларни белгилаш мақсадида, Кенгаш томонидан тасдиқланган банк тизимининг рискларга мойиллигини акс эттирувчи юқори даражали чекловлар;

Ички лимит – риск-аппетитига ва/ёки меъёрий талабларга риоя этиш мақсадида,

банк операциялари ва маҳсулотларининг турлари, ҳажми, муддатлари ва бошқа кўрсаткичлари бўйича маълум бир турдаги рисклар учун жавобгар бўлган коллегиал орган томонидан тасдиқланадиган чекловлар.

III. Қўмита таркиби

8. Қўмита таркиби Қўмита аъзолари ва таклиф этилган шахслардан иборат.

9. Қўмита аъзолари банкнинг мансабдор шахслари бўлиб, Қўмита мажлисини ўтказиш учун зарур бўлган кворумни аниқлашда ҳисобга олинади ва қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

10. Қўмита мажлисига Банк бошқаруви аъзолари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, филиаллар раҳбарлари айрим ҳолларда уларнинг ўринбосарлари ёки масъул мутахассислар, шунингдек, ташқи экспертлар таклиф этилиши мумкин. Таклиф этилган шахслар экспертлар бўлиб, Қўмита мажлисини ўтказиш учун зарур бўлган кворумни аниқлашда ҳисобга олинмайди ва қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

11. Қўмита аъзолари сони 7 кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби Банк бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

12. Қўмита аъзоси йиғилишда қатнаша олмаган ёки сиртдан овоз беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг функциясини амалга ошириш барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳамда ваколатларига эга бўлган ўринбосарининг зиммасига юклатилади.

13. Ҳазначилик департаментининг Активлар ва пассивлар бошқармаси Қўмитанинг ишини ташкил этувчи ишчи органи ҳисобланади.

14. Қўмита котиби Ҳазначилик департаменти ходимлари орасидан таклиф этилган шахс ҳисобланади. Қўмита котиби қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

15. Қўмита котиби ташкилий ишларни, шунингдек, йиғилишда кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрланишини мувофиқлаштиради ҳамда Қўмита аъзоларига кун тартибидаги масалалар юзасидан материалларни тақдим этади, шунингдек, йиғилиш баённомасини расмийлаштиради ва ундан кўчирмаларни имзолаган ҳолда тегишли бўлинмаларга етказилади. Ўз ўрнида, йиғилиш баённомаларининг асл нусхаларини ва унга тегишли бўлган ҳужжатларни сақланиши бўйича масъул ҳисобланади.

IV. Қўмита ишини ташкил этиш

16. Қўмита йиғилиши ҳар ҳафтада камида бир маротаба ўтказилади. Зарурият юзасидан Қўмита йиғилишлари онлайн тарзда ўтказилиши мумкин.

17. Қўмита йиғилиши унинг камида бешта аъзоси, шу жумладан, Қўмита Раиси ёки ўринбосари иштирок этган тақдирда ташкил этилади.

18. Қўмита йиғилишини Қўмита Раиси, у қатнаша олмаган ҳолда унинг ўринбосари ўтказди. Бир вақтнинг ўзида Қўмита Раиси ва ўринбосари йиғилишда қатнаша олмаган тақдирда, йиғилиш ташкил этилмайди.

19. Қўмита аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига мазкур лавозимга тайинланган ёки ушбу вазифани бажарувчи шахс Қўмита аъзоси ҳисобланади.

20. Қўмита қарорини қабул қилиниши, йиғилишда иштирок этаётган Қўмита аъзоларининг умумий сонига кўра, кўпчилик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бунда, бетарафликка йўл қўйилмайди. Овозлар тенг келиб қолган ҳолда, Қўмита Раиси (у қатнаша олмаганда - Қўмита Раиси ўринбосари)нинг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

21. Қўмита ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқилиши бўйича банкнинг манфаатдор таркибий бўлинмалари томонидан Қўмитанинг ишчи органига тегишли маълумотлар тақдим этилади. Қўмита котиби томонидан тегишли масалалар бўйича маълумотлар жамланиб Қўмита йиғилишидан олдин Қўмита аъзоларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳолатда Қўмита котиби томонидан ҳужжатлар тегишли бўлинмаларга тўлдириш учун қайтариб берилади.

22. Қўмита котиби, ҳар бир йиғилишни у ўтказилган жойи ва санаси, қатнашчилари, кун тартиби ва унга тегишли бўлган маълумотларни ҳамда Қўмита қарорини акс эттирган ҳолда баёнлаштиради, рўйхатга олади ва икки иш куни ичида тегишли бўлинмаларга баённомадан кўчирмаларни тақдим этади.

23. Қўмита мажлиси баёни унинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади. Кун тартибидаги масала юзасидан қарши овоз берган Қўмита аъзоси, ўз фикрини ёзма равишда ҳам асослаб бериши лозим. Қўмита аъзосининг ёзма равишда тақдим этган фикри Қўмита баённомасига илова қилинади.

24. Қўмита мажлиси баённомаларининг асл нусхалари ва унга тегишли бўлган материаллар Ғазначилик департаментида 3 йил давомида сақланади, ўз навбатида, ушбу муддат ўтгач улар белгиланган тартибда банк архивига топширилади.

V. Қўмита функциялари

25. Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Қўмита қуйидаги функцияларни бажаради:

1) Ликвидлик рискларини бошқариш бўйича:

банкнинг ликвидлик рискларини бошқариш жараёнларини, унга ёндашувларини тартибга солувчи (Бошқарув томонидан тасдиқланиши талаб этилмайдиган) ички меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан, банк тизимида ресурс маблағларини қайта тақсимлаш тартибини тасдиқлайди;

қарз капитал бозорларидан маблағларни жалб қилиш бўйича операцияларни ўтказиш шартлари ва ваколатларини Бошқарув томонидан тасдиқланиши учун маъқуллайди;

пассив базани диверсификация қилиш мақсадида, маблағларни жалб қилишнинг янги воситаларини жорий этиш билан боғлиқ масалаларни (шу жумладан, структуравий облигациялар, активларни секьюритизация қилиш ва бошқаларни) кўриб чиқади;

ресурс маблағларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, бизнес бўлинмалар кесимида депозит маблағларини жалб қилиш режаларини кўриб чиқади;

банк ликвидлиги юзасидан Регулятор томонидан ўрнатилган мажбурий меъёрлар бўйича белгиланган огоҳлантирувчи лимитлардан ошиб кетиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилади;

ликвидлик рискинни бошқариш мақсадида, риск аппетити кўрсаткичларини (активлар/ пассивларнинг алоҳида моддалари нисбатини) кўриб чиқади;

стресс-тестларнинг ликвидлик рискига таъсири билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

кўзда тутилмаган ҳолатлар ва ликвидликнинг ёмонлашуви бўйича ҳаракатлар режасини, Банк бошқаруви томонидан тасдиқланиши учун маъқуллайди;

ликвидлик рискларини бошқариш мақсадида, сотиб олинadиган қимматли коғозлар бўйича портфелни бошқариш усулларини кўриб чиқади;

банк бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг ликвидлик рискига таъсир кўрсатувчи шартларини кузатиб боради; зарурат юзасидан маҳсулотларнинг шартларини ўзгартириш бўйича тегишли коллегиял ишчи органлар билан ҳамкорлик қилади;

ликвидлик рисклари тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, ликвидлик рисклари бўйича лимитлар ва чекловларнинг бузилиши юзасидан ҳисоботларни маълумот учун қабул қилади.

2) Фоиз ва валюта рискларини бошқариш бўйича:

фоизлар ва валюта рискларини бошқариш жараёнларини тартибга солувчи усулларни тавсифловчи (Бошқарув томонидан тасдиқлашни талаб этмайдиган) ички меъёрий ҳужжатларни маъқуллайди;

фоиз ва валюта рискларини бошқариш мақсадида, Регуляторнинг меъёр кўрсаткичлари талабларига ва Риск-аппетитига мувофиқ белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, риск аппетити лимитларини (шу жумладан, активлар/пассивларнинг алоҳида моддаларини таркибий нисбатларини) ўрнатилиши бўйича маъқуллайди;

фоиз ва валюта рисклари даражасини белгиловчи лимитлардан ошиб кетиш билан боғлиқ масалалар бўйича тегишли қарорларни қабул қилади;

стресс-тестларнинг фоиз ва валюта рискларига таъсири билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

фоиз ва валюта рискларини бошқариш бўйича бўлинмалар ишини мувофиқлаштириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилади;

Регуляторнинг меъёр талабларига, риск-аппетити кўрсаткичларга кўра, валюталар бўйича алоҳида ва умумий очик валюта позициялари юзасидан огоҳлантирувчи лимитларни ўрнатиш масаласини кўриб чиқади;

фоиз ва валюта рисклари тўғрисидаги ҳамда лимитлар ва чекловларнинг бузилиш ҳолатлари бўйича ҳисоботларни маълумот учун қабул қилади.

3) Капитални бошқариш бўйича:

банкнинг иқтисодий ва регулятив капиталини бошқариш жараёнларини тартибга солувчи услуллар, стандартлар ва амалларни тавсифловчи (Бошқарув томонидан тасдиқлашни талаб этмайдиган) ички меъёрий ҳужжатларни маъқуллайди;

субординар қарзларни чиқариш шартларини тасдиқлайди;

риск-аппетити чекловларини ҳисобга олган ҳолда, банк иқтисодий ва регулятив капиталининг етарлилик даражасини (шу жумладан, активлар/капиталнинг алоҳида моддалари нисбатини) белгилайдиган ички лимитларни ўрнатилиши бўйича тегишли коллегиял ишчи органлар билан ҳамкорлик қилади;

иқтисодий ва регулятив капиталнинг етарлилик даражаси чегаралари бўйича ўрнатилган лимитлардан ошиб кетиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилади;

Банк бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг капитал етарлилиги кўрсаткичига таъсир этувчи шартлари ва нархдан ташқари параметрларини зарурат юзасидан ўзгартириш бўйича тегишли коллегиял ишчи органлар билан ҳамкорлик қилади;

капитал етарлилиги бўйича ҳамда лимитлар ва чекловларнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан ҳисоботларни маълумот учун қабул қилади;

стресс-тестларнинг иқтисодий ва регулятив капитал даражасига таъсири билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

4) Нархларни шакллантириш бўйича:

банкнинг барча маҳсулотлари бўйича трансферт нархларни шакллантириш жараёнларини, тамойилларини белгилаб берувчи ички меъёрий (Банк бошқарувида тасдиқлашни талаб этмайдиган) ҳужжатларни тасдиқлайди;

банкнинг трансферт ставкаларини белгилайди;

ўз ваколати доирасида, банкнинг барча маҳсулотлари бўйича нархларни шакллантириш юзасидан ҳисоб-китоблар тартиби ва таркибини белгилаб берувчи моделларни (шу жумладан, банк фоиз ставкаларининг бозор конъюнктурасига ҳамда банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича ёндашувларни) кўриб чиқади;

Қўмита ваколати доирасида, нархларни шакллантиришнинг бошқа масалалари юзасидан қарорларни қабул қилади.

VI. Якуний қоидалар

26. Қўмита мақсадига мувофиқ Банк бошқаруви ҳамда Кузатув кенгаши “Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси”нинг топшириғига кўра, бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

27. Қўмита қарорлари, улар бўйича ўрнатилган муддатлар (белгиланган ҳолда) мобайнида ёки Қўмитанинг бошқа қарори билан ва ўз навбатида, Банк Кузатув кенгаши, бошқаруви томонидан бекор қилингунга қадар амалда деб ҳисобланади.

28. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминланиши юзасидан банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва филиаллари раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

29. Қўмита тўғрисидаги Низом Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва шу кундан эътиборан амалда бўлади.

30. Ушбу Низом тасдиқланиши муносабати билан Банк Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги 96/2018-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Киритилди:

Газначилик департаменти
директори



Х. Акбаров


Келишилди:

Ресурсларни бошқариш
Бош директори




И. Худайберганов

Риск менежмент
департаменти директори



З. Усманов

Комплаенс назорат
департаменти директори



Б. Шоймарданов

Юридик департаментнинг
Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
ва ҳуқуқий таъминлаш
бошқармаси бошлиғи



О. Сулаймонов

